

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ИШТИРОКИДА ЎҚУВ – СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Автомобиль йўллари кўмитаси томонидан бугун ташкил этилган ўқув-семинарда Германиянинг "Wirtgen Group" компанияси ҳамда унинг Ўзбекистондаги расмий дилери "YO'LTEC" компанияси экспертлари ва кўмита таркибидаги корхона-ташкilotлар мутахассислари таклиф этилди.

Семинарда халқаро экспертлар автомобиль йўлини совук регенератор (ресайклинг) ҳолатда қайта тиклаш жараёни, W200F ва W220F йўлфрезаларининг имкониятлари ва "Vogele" компаниясининг S1800-3 русумли асфальт ётқизиш машинаси ҳамда асфальтобетон ва цементбетон қопламаларни ётқизиш технологиялари ҳақида фойдали маълумотлар бериб ўтди.



Ўқув-семинарда иштирок этган маҳаллий мутахассислар учун йўл-қурилиш соҳасидаги янги инновацион технологиялар ҳақидаги ушбу маълумотлар фойдадан холи бўлмади, десак

муболаға эмас.



Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган ушбу тадбирдан асосий мақсад – Халқаро миқёсда кўп йиллик тажриба ва малакага эга бўлган хорижий компанияларнинг техника -технологияларини мамлакатимизда олиб борилаётган йўл-қурилиш соҳасига кенг жалб қилиш ва уни янги босқичларга олиб чиқишдир.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати